

17 августдан масжидлар ўз фаолиятини бошлайди!



23:30 / 12.08.2020 2835

Республика махсус комиссиясининг қарори билан шу йил 17 август, душанба кунидан эътиборан юртимиздаги барча диний ташкилотлар ўз фаолиятини давом эттиради. Бунда карантин талаблари ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Бу ҳақда Республика махсус комиссиясининг қарорида шундай дейилади: «Махсус комиссия қарори билан 17 августдан бошлаб диний ташкилотлар фаолиятига (ҳар куни дезинфекция ишларини амалга ошириш ҳамда қатъий ижтимоий масофани сақлаш чекловларига риоя этилишини таъминлаган ҳолда) рухсат берилади».

Шунингдек, қуйидаги муҳим тавсия ва талабларга сўзсиз амал қилиш, масжидлар фаолиятининг давомли бўлишига асосий омил бўлади, жумладан:

- masjidlarning kirish joyini dezinfekcion "tushak"lar bilan jixozlash, birламчи dezinfekciyash vositalari, pirometrлар (kontaktсиз xarorat ulchagich) bilan taъminlash;
- xar bir fuqaro masjid ichida tibbiy niqobda buъlishi, xududga kirishda quъllarini dezinfekciyash vositasidan fойdalaniши;
- masjidga tashrif buyorgan xar bir шахsning kasalлик aломатларини текшириш (xarorat ulchash va tashqi aломатлар), tana xarorati 37°C va undan yuqori buъlgan xolatda fuqarolarни aloхидалаш va 103 telefon raqami orqali tez tibbiy erdamga xabar beriш;
- ibodat vaқtida ijtimoiy masofalанишни saqlash, fuqarolar orasidaги masofani 1,5 metr etib belgilash (maxsus chiziqлар erdamida kataklarга ажратган xolda);
- xar bir masjidning kirish қисмига kasallikдан saqlаниш, xududda karantin talablarига қатъий амал қилиш, хусусан, 65 ёшдан катта fuqarolarни masjidларга vaқтинча tashrif buyрмай туришлари tavсия etилиши tuъrисидаги axborot lavxalarини urnатиш;
- masjid maъмурияти tomonida ish faолиятни karantin davrida tashkil etish buъйича teгишли buyruq va ichki tartiblارни ishlab чиқиш (bunda ёши 65 ёшдан uluф fuqarolarни vaқтинча tashrif buyрмай туришларини tavсия etиш);
- masjidларда juma namozини vaқтинча ado etмаслик;
- худудий Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари tomonidan masjidларning барча ходимлари bilan тушунтириш ишларини tashkil etиш;
- uшбу хизмат tomonidan belgilangan муддатда (xar 3 kunda ёки хафтада бир marотаба) masjidлардаги санитария-эпидемиологик xolatни urnаниш va tavсиялар beriш;
- masjidлар binolari va худудини xar куни dezinfekciya қилиш, хоналарни шамоллатиш;
- masjidga kirish va чиқиш joyларида aхолининг tuъпланишига қатъий йул қуймаслик;

- таҳоратхонадан фақат зарур шароитлар яратилган (бир марталик сочиқ-салфетка, антисептик воситалар, суюқ совунлар билан таъминлаш, қисқа муддатларда дезинфекция қилиш), ижтимоий масофаланишни сақлаган ҳолда фойдаланиш каби тартиб-интизомлар алоҳида таъкидланади.

Муҳтарам юртдошлар, мазкур белгиланган карантин тартиб-қоидаларига амал қилайлик. Синовли кунларда ўзимиз, яқинларимиз, халқимиз саломатлигини асраб-авайлайлик.

Коронавирус хасталигини жиловлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ўзаро ҳамжиҳат бўлайлик!

Дин ишлари бўйича қўмита ва

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизматлари